
Куз-қиши мавсумига тайёргарлик жараёни ўрганилди

Бош прокурор ўринбосари Ш.Аминов бошчилигидаги ишчи гурух Данғара тумани электр таъминоти корхонасида соҳага оид масъул ҳодимлар билан учрашиб, туманларда олиб борилаётган ишлар билан танишиб ўтди.

Дастлаб куз-қиши мавсумига тайёргарлик, захираларнинг яратилиши, авариявий ҳолатларни олдини олишга қаратилган чора-тадбирлари ҳамда тезкор чиқиш бригадаларнинг иш фаолияти билан танишилди.

Фаолият билан танишиш жараёнида аварияли ҳолатларга йўл қўймаслик, ўчишлар содир бўлганда зудлик билан бартараф этиш, зарур ҳимоя воситалари таъминлаш, ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича топшириқлар бериб ўтилди.

2023-09-30 10:59:39